

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2026 йил март ойининг 4 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Н.Касимова, судья ёрдамчиси М.Раҳимованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Шайхонтоҳур туман прокурорининг ўринбосари Х.Парпиев, судланувчи XXXX ва унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган “Turon Lawyers” адвокатлик фирмасининг адвокати Ш.Машариповаларнинг иштирокида

шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, ишсиз, оилали, муқаддам судланган;

1) Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 23.08.1990 йилдаги ҳукмига кўра, эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси ЖК 126-моддасининг 1-қисми билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 232-моддасига асосан мажбурий меҳнатга жалб қилинган;

2) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 28.10.1991 йилдаги ҳукмига кўра эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси ЖК 94-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 41-моддасига асосан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 01.07.1995 йилда жазони тўлиқ ўтаган;

3) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 18.07.1998 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан 19.000 сўм жарима жазоси тайинланган;

4) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 27.07.1999 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан 5 йил-6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 02.07.2001 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил-у 11 ой 21 кун жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига



алмаштирилган, 20.09.2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.08.2001 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Фармониغا асосан жазодан озод этилган;

5) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 24.03.2004 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 21.07.2004 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 6 ой 16 кун жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 03.05.2005 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмай қолган 6 ой 16 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, 19.11.2005 йилда жазони тўлиқ ўтаб озод бўлган;

6) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 09.04.2007 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан 124.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 18.01.2008 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 44-моддасига асосан жарима жазоси 5 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 08.07.2008 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмай қолган 5 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, 19.11.2005 йилда жазони тўлиқ ўтаб озод бўлган;

7) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 26.08.2008 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;



- 8) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 09.11.2009 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 02.04.2012 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, 02.04.2013 йилда жазони тўлиқ ўтаб озод бўлган;
- 9) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 23.10.2015 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, яъни 651.200 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима тўлиқ тўланган;
- 10) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 18.08.2016 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 13.12.2016 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, 13.12.2017 йилда жазони тўлиқ ўтаб озод этилган,
- 11) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 07.09.2018 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, Шайхонтоҳур туман ИИО ФМБ Пробация бўлимининг маълумотномасига кўра, пробация бўлими ҳисобида турмайди, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарвоза маҳалласи, Гули Раъно кўчаси 1а-уйда яшовчи, жиноят иши доирасида “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида



тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан айблаш ҳақидаги [REDACTED] жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

XXXX қасддан баданга шикаст етказиш мақсадида, 2025 йил 30 ноябрь куни соат 12:00 ларда Шайхонтоҳур тумани “Самарқанд Дарвоза” маҳалласи Гули Раъно кўчаси 1а-уйда жияни фуқаро Сағдиев Жаҳонгир Нурматиллаевич билан ўрталарида келиб чиқган ўзаро келишмовчилик оқибатида жанжаллашиб, жанжал давомида совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ошхона пичоғини ишлатиб Ж.Сағдиевнинг бел соҳасига бир неча маротаба уриб, суд-тиббий экспертизасининг 12.12.2025 йилдаги №9207–сонли хулосасига кўра, унга “кўкрак қафаси орқа юзаси ўнг курак ости соҳаси ва кўкрак қафаси чап ён юзаси 7-8 қовурғалар соҳаси плевра бўшлиғига кириб бормаган санчилган кесилган яралари” каби қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган энгли шикаст етказган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган XXXX айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, дастлабки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қўйидагиларни, яъни 2025 йил 30 ноябрь куни соат 11:00 ларда ўзининг Шайхонтоҳур тумани “Самарқанд Дарвоза” маҳалласи Гули Раъно кўчаси 1а-уй манзилида жойлашган хонадониде укаси Баҳром билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб ҳовлига чиқишганлиги, ўша вақтда чархлаб ўтирган ошхона пичоғи бўлганлиги, укаси Баҳром дам олиш мақсадида хонасига кириб кетаётганида улар билан бир уйда истиқомат қилувчи жияни Ж.Сағдиев укасини йўлини тўсиб уни ураётганлигини кўриб, уларни ёнига бориб Ж.Сағдиевни бел соҳасига қўлидаги ошхона пичоғини учи билан бир марта урганлиги, сўнг кўчага чиқиб кетганлиги, ҳозирда содир этган қилмишидан пушаймонлигини билдириб, ўзи оғир касаллигини, эпилепсия касали борлигини, жабрланувчи ўз жияни эканлигини, муносабатлари яхши эканлигини, воқеа куни Ж.Сағдиев укасини урапти деб ўйлаб олдини олиш учун пичоқ билан кўрқитмоқчи бўлганлиги, бироқ пичоқ учи жиянига тегиб кетганлигини билдириб, уни кечиритишни, суддан унга нисбатан энгил жазо беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи [REDACTED] дастлабки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қўйидагиларни, яъни 2025 йил



30 ноябрь куни соат 11:00 ларда ўзи оиласи билан истиқомат қиладиган Шайхонтохур тумани “Самарқанд Дарвоза” маҳалласи Гули Раъно кўчаси 1а-уй манзилида жойлашган хонадони ташқарсида турганидан уйдан жанжал овози эшитилганлиги сабабли уйнинг ховлисига кирганида тоғаси Баҳром спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ховлида жанжал қилаётганлигини кўриб, уни хонасига киритиб қўйиш мақсадида олиб кетаётганида катта тоғаси Ганиходжаев Бахтиёр орқасидан келиб уни бел соҳасига пичоқнинг учи билан бир марта урганлиги, бунинг натижасида ерга йиқилиб тушиб ётиб қолганлиги, шу вақтда онаси ва бошқалар чиқиб келишганлиги ва зудлик билан уни шифохонага олиб боришганлиги, шифохонада 3 кун давомида даволаниб чиққанлиги, тоғаси оғир касаллиги борлигини, кечирим сўрагналигини, у билан муносабатлари яхши эканлиги, воқеа куни судланувчи тоғаси амакисини ураяпти деб ўйлаб шу иш бўлиб кетганлигини, билдириб, жазони судга ҳавола қилишини, судланувчи ХХХХ ўз тоғаси бўлишини, у билан бир уйда яшашларини, муносабатлари яхши эканлигини, илгари тоғаси билан ҳеч бундай ҳолат бўлмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида [REDACTED] дастлабки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни 2025 йил 30 ноябрь куни соат 11:00 ларда ўзи оиласи билан истиқомат қиладиган Шайхонтохур тумани “Самарқанд Дарвоза” маҳалласи Гули Раъно кўчаси 1а-уй манзилида жойлашган хонадонида хонасида ўтирган вақтида ховлида жанжал овозини эшитиб, ховлига чиққанида укаси Бахтиёр ўғли Жаҳонгирни орқасидан келиб уни бел соҳасига пичоқнинг учи билан бир марта урганлиги, бунинг натижасида ўғли Жаҳонгир ерга йиқилиб тушиб ётиб қолганида ХХХХ уни устида бўлганида келини билан бориб қолишганлиги, шундан сўнг укаси Бахтиёр кўчага чиқиб кетганлиги, шунда ўғли Жаҳонгирни зудлик билан шифохонага олиб боришганлиги, ўғли шифохонада 3 кун давомида даволаниб чиққанлиги, ХХХХ оғир касаллиги борлиги, кечирим сўраганлиги, воқеа куни судланувчи амакисини ураяпти деб ўйлаб шу иш бўлиб кетганлиги, ХХХХ билан бир уйда яшашларини, ХХХХ билан ўғлининг муносабатлари яхши эканлигини, илгари тоғаси билан ҳеч бундай ҳолат бўлмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ [REDACTED] дастлабки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, гувоҳ [REDACTED] кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув берди.

Суд мажлисида [REDACTED] дастлабки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2025 йил 30 ноябрь куни соат 11:00 ларда ўзининг Шайхонтохур тумани “Самарқанд Дарвоза” маҳалласи Гули Раъно кўчаси 1а-уй манзилида жойлашган хонадонида акаси Бахтиёр билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб ховлида кўринган шахсни сўкиб



турганида жияни Жахонгир келиб, хонасига киритиб қўймоқчи бўлганида зинадан чиқишда йиқилиб тушганлиги, шу ҳолатни ховлида бўлган акаси Бахтиёр Ганиходжаев улар уришяпти деб ўйлаб қўлида олиб юрган ошхона пичоғи билан жияни Ж.Сагдиевни бел соҳасига қўлидаги ошхона пичоғини учи билан бир марта урганлиги, шу вақтда опаси ва келини уларни ажратиб олишганлиги, бу вақтда укаси Бахтиёр кўчага чиқиб кетганлиги, шунда жияни Жахонгирни шифохонага олиб кетишганлигини, ХХХХ оғир касаллиги борлиги, кечирим сўраганлиги, воқеа куни судланувчи Ж.Сагдиев уни уряпти деб ўйлаб шу иш бўлиб кетганлиги, ХХХХ билан Ж.Сагдиевнинг муносабатлари яхши эканлигини, илгари Ж.Сагдиев билан улар ўртасида ҳеч бундай ҳолат бўлмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб кўрсатилган.

Суд, мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, судланувчи ХХХХнинг айби, ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, экспертиза хулосаси, ашёвий далилни кўздан кечириш баённомаси ва фотоилоvasи, юзлаштириш баённомалари ва жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХнинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан, “совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасининг 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан



қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд, мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, ХХХХга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини атрофлича ўрганиб ҳамда судланувчининг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, ХХХХ жиноятни ғараз ниятларда содир этганлигини ЖК 56-моддасига асосан оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноят оила аъзолари ўртасида келиб чиққанлиги, ўртада узвий қариндош-уруғчилик алоқалари мавжудлиги, келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оилавий низоларни ва адоватни олдини олиш мақсадида унга ЖК 109-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари суд, ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ошхона пичоғини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,28-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 471-473-моддаларига мувофиқ, суд ҳукм қилади,

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан 2 (икки) йил ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда яшаш хонадони ҳисобланган Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Самарқанд Дарвоза маҳалласи Гули Раъно кўчаси 1а-уйда чиқишни тақиқлаш орқали озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазо ижросини таъминлаш, ХХХХнинг доимий яшаш жойи бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур шаҳри ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.



Озодликни чеклаш муддати ХХХХ жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

ХХХХга агарда, жазони ўташ даврида суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-қисмида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

ХХХХга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ошхона пичоғи ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, шунингдек ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг агарда ушбу ҳукм апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят мазкур суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Н.Касимова

